

ИНТЕНСИВ БОҒДОРЧИЛИК СОҲАСИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

О.Б.Сатторов мустақил тадқиқотчи ТИҚХММИ

Аннотация

В данной статье рассмотрены тенденции и изменения развития садоводства и интенсивного садоводства в регионе и в стране в целом. Представлены анализ современного состояния площадей садоводства и их изменения. Даны рекомендации и предложения по улучшению садоводства в Кашкадарьинской области и республике.

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимизда ва ҳудудлардаги боғдорчиликнинг ривожланиши ва ўзгариши кўриб чиқилган. Республикадаги боғдорчилик майдонлари, ҳосилган кирган боғларнинг ҳозирги ҳолати ва ўзгаришлари. Республикамиз ва хусусан Қашқадарё вилояти мисолларида боғдорчиликни ривожлантириши бўйича таклиф ва хулосалар келтирилган.

Мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш шароитида интенсив боғдорчилик ва узумчилик тармоқларида кенг кўламда ислохотлар амалга оширилмоқда. Республикада мева – сабзавотчилик соҳасида фермер хўжаликлари ташкил этилгунга қадар ҳам, меванинг аксарият қисми (78.1%) деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган. Жумладан 2016 йилда республика бўйича жами боғлар майдонининг 60,6% фермер хўжаликлари, 33,9% деҳқон хўжаликлари ихтиёрига берилган бўлса, қолган қисми бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли бўлган. Шунингдек, 2015 йилда етиштирилган жами меванинг 45,7 % фермер хўжаликлари, 52,2 % деҳқон хўжаликларида етиштирилган. Агарда мазкур рақамларга жиддий эътибор берадиган бўлсак, яъни 33,9 % ер майдонига эга бўлган деҳқон хўжаликларида меванинг 52,2 % етиштирилганлиги деҳқон хўжаликларининг юқори самарадорлигидан далолат бермоқда. Интенсив боғдорчилик соҳасини ривожлантириш тармоқдаги ўзига хосликлардан самарали фойдаланишни талаб этади. Бунда ҳисобга олиниши лозим бўлган ўзига хосликлар фикримизча, қуйидаги гуруҳлардан иборат:

Биринчи гуруҳга – бевосита интенсив боғдорчилик соҳаси билан боғлиқ бўлган интенсив боғдорчилик маҳсулотлари таркиби хилма – хиллиги; маҳсулотлар ташқи кўриниши, товарлилик хусусиятидаги фарқлар; интенсив боғ

яратиш жараёни ва ҳосил етиштиришга маълум муддат талаб этилиши; мевалар пишиши давридаги фарқлар; барча меваларни сақлаш ва қайта ишлаш мумкинлиги каблир.

Иккинчи гуруҳга – интенсив боғдорчилик фермер хўжаликлари фаолияти билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларни киритиш мумкин. Яъни, хўжаликлар ер майдони ва маҳсулот ҳажми кичиклиги; мева етиштириш фермердан етарли билим, тажриба ва маҳорат талаб этиши; бозордан узоқда жойлашганлиги; меваларни сувли, лалми, тоғли ва тоғолди худудларида ҳам етиштириш мумкинлиги; мева етиштиришнинг турли агротехник тадбирларга асосланганлиги; соҳада кўл талаб қилиниши; тажрибалар асосан авлоддан – авлодга ўтиши; тармоқда инвестиция қайтими 5-6 йилдан сўнг бошланиши; иқлим шароити таъсирининг жуда кучлилиги каблир интенсив боғдорчиликда ҳисобга олиниши лозим.

Интенсив боғдорчилик фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий жиҳатларини эса иккита гуруҳга бўлиб ўрганиб чиқиш мумкин.

Интенсив боғдорчиликка ихтисослашган хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш – ер ижараси, боғларга эгалик қилиш ва фойдаланиш муаммосини ҳал этиш; инфратузилма, объектларидан фойдаланиш; асосий воситаларга эгалик қилиш; хўжаликни бошқариш; ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; ерга ишлов бериш; боғларни парваришлаш; ҳосилни ҳашорат ва касалликдан ҳимоялаш; ҳосилни йиғиш ва сотувга чиқариш каблир ўрин олади.

Соҳада фермер хўжаликлари фаолияти иқтисодий жиҳатлари доирасида – мева етиштириш ва уни сотишни режалаштириш; шартнома муносабатлари; баҳо сиёсати, моддий манфаатдорлик механизми; молия – кредит, солиқ, суғурта муносабатлари; маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишни ташкил қилиш; боғбонлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва илм – фан ютуқларидан фойдаланиш каби масалалар ҳал этилиши лозим.

Фермерларга мева етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш жараёни билан боғлиқ замановий асбоб-ускуналар, минитехнологиялар харид қилиши учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш мақсадга мувофиқ.

Интенсив боғдорчилик фермер хўжаликлари асосан 2012 йилдан бошлаб ташкил этила бошлаган. Масалан, мамлакатимиз ҳудудида умумий боғлар

майдонининг 2013-2017 йилларда 254,6 минг га.дан279,6 минг га, яъни9%га ортган,ҳосилга кирган боғлар майдонлари ўз навбатида, 201.3 минг.га.дан 226.9 минг. га 12% га ошган. Ҳосилдорлик 19% га, ялпи ҳосил эса, 34% га ошган. Бу кўрсаткичлар айна вақтда паст бўлишига қарамасдан, қисқа вақт ичида бу каби ўсиш суръатлари боғдорчилик соҳасини ривожлантириш ижобий амалга оршаётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда мева ва резаворлар майдонлари, ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги

	2013	2014	2015	2016
Мева ва резаворлар (минг га)	254.6	261.9	266.4	279.6
шундан ҳосилга кирган (минг га)	201.3	214.6	214.3	226.9
Ялпи ҳосил (минг тонна)	2261.1	2490.6	2746.1	3042.8
Ҳосилдорлик (минг тонна)	112.3	116.0	128.1	134.1

Хусусан ушбу ҳолатни Қашқадарё вилоятида кўриб чиқадиган бўлсак, 2016-2017 йилларда ҳудудда мавжуд боғлар улуши 17238,0 га. дан 20755,6 гаошган бўлиб, 20% га кўпайганини кўрсатади. Улар ичида ёш боғлар майдонлари 12214,0 га.дан 15156,0 га ошган ўлиб, 24% га ошиб, улар ичида интенсив боғлар улуши эса 1945.3 га.дан 1954.5 га, яъни 0,4% ошиганини кўрсатади. Вилоятда интенсив боғлар улушининг камлиги ҳозирги кунда ҳудудда интенсив боғдорчиликни кўпайтириш заруратини туғдирмоқда. Аммо, ҳудудда интенсив боғдорчиликни яратиш учун зарур шарт-шароитлар йўқлиги, интенсив боғдорчиликни ривожлантиришу учун янги етхнологияларни нархлари баладлиги ва аҳолида етарли билим ва малакаларнинг йўқлиги тўсқинлик қилмоқда.

Қашқадарё вилоятидаги мавжуд боғлар тўғрисида маълумот

Мавжуд боғлар майdonи, га	Ҳосилга кирган боғлар майdonлари, га	Ёш боғлар майdonлари, га	Интенсив боғлар майdonи, га
2016 йил	17238	12214	1945.3
2017 йил	20755.6	15156.0	1954.5

Бугунги кунда интенсив боғдорчилик соҳаси тўлиқ бозор тамойиллари асосида фаолият юритаётган бўлиб соҳа ривожига маъмурий бошқарув услуги эмас, устун даражада минерал ўғитлар, боғлар касаллиги ва хашоратларга қарши кураш воситалари етказиб бериш, интенсив боғдорчилик техникалари ишлаб чиқариш соҳалари етарли ривожланмаганлиги тўсиқ бўлмоқда. Натижада, ҳосилга кирган боғлар майdonи ҳисобига олинаётган фойда миқдори паст. Сўнгги йилларда фойда миқдорининг ўсиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятдаги интенсив боғдорчиликни таҳлил қиладиган бўлсак, 2012 йилда фермер хўжаликлари томонидан мева етиштириш бўйича бир гектар ҳисобидан 1025000 сўмлик, 2015 йилда 1957000 сўмлик, 2016 йилда 3251200 сўмлик ва 2017 йилда 5895600 сўмлик фойда олишга эришиб рентабеллик даражаси 75,6 фоизни ташкил этган. Агарда вилоятда ўртача бир фермер хўжалигининг интенсив боғ майdonи 2017 йилда 10,8 гектарни ташкил этишини ҳисобга олсак, фермер хўжалигининг йиллик соф фойдаси 33694,0 минг сўмни ташкил этади. Албатта, ушбу фойда даражаси билан боғларни сақлаб туриш муаммо бўлаётган бир шароитда, баъзи илғор хўжаликларда эса яхши натижаларга эришилмоқда. Жумладан, Яккабоғ туманидаги 3,5 гектар майdonда олма етиштирувчи “Орифжон интенсив боғ” фермер хўжалиги 2017 йилда бир гектар боғ ҳисобига олинган соф фойдаси 1055000 минг сўмни ташкил этган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ҳудудларида интенсив боғдорчиликни ривожлантириш анъанавий боғдорчиликдан фарқли ўлароқ, қисқа вақт ичида юқори ҳосил олиш имкони, етиштирилаётган мева маҳсулотларини юқори товарлилик даражаси, сақлаш ва ташиш учун чидамлилиги билан ажралиб туради. Хулоса қилиб, мамлакатимизда интенсив боғдорчиликни ривожлантириш учун куйидаги табдирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- кўп тармоқли мева етиштирувчи интенсив боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш;
- интенсив боғдорчиликни самарали ривожлантириш учун имтиёли кредитлаш фоиз ставкаларини камайитириш ва солиқлардан озод этиш муддатларини узайтириш;
- интенсив боғдорчиликни самарали амалга ошириш учун ғалла ва пахтадан бўшаган дала майдонларини уй-жой қурилиш объектларига эмас, балки асосан интенсив боғдорчилик учун ажратиб бериш;
- интенсив боғдорчиликни ривожлантириш ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида етакчи хорижий (томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш каби) технологияларни олиб кириш учун қулайликлар яратиш ва ҳ.к.лар.

Интенсив боғдорчилик соҳасини ривожлантириш ва юқори самарадорликка эришиш, келгусида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, миллий бозорларимизни мева маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолини мева маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, қолаверса мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини кўтариш имконини беради.

Аграрсоҳада эркин бозор таъминоти асосида фаолият юритувчи хусусий мулкчиликка асосланган товар ишлаб чиқарувчилар сони ортиб бориши соғлом ва эркин аграр иқтисодий шаклланиши учун муҳим шартлардан бири бўлиши билан биргалликда, соҳадаги давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган баъзи тармоқларга хос бўлган бир қатор муаммоларни ҳам юзага келтиради. Боғдорчилик тармоғи ҳам бундан мустасно эмасдир албатта. Ҳозирги кунда ҳам боғдорчилик тармоғида талайгина муаммолар мавжуд бўлиб уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш, имкони борича камчиликларни камайитириш ва боғдорчиликни янгича, самарали усуллари қўллаш талаб этилади.

Мисол учун, 2016 йилга келиб мамлакатимиз аҳолисининг мева ва резаворларни бир йилдаги ҳақиқий истемоли (фақат янги узилган, қайта ишланмаган ҳолида) 39,3 кг тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич тиббий меъёрларга мувофиқ 65,31 кг бўлиши керак эди. Мева ва резаворларнинг асосан деҳқон хўжаликларида етиштирилиши боис янги узилган мевалар истеъмоли тиббий меъёрларга нисбатан 40% га кам истеъмол қилинмоқда ва ушбу ҳолат мамлакат аҳолисининг қўшимча мева ва резаворларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради. Миллий бозорлардаги меваларнинг етишмаслиги, мамлакатимизга чет элдан келтирилган импорт мевалар билан тўлдирилиб бормоқда ва уларнинг улуши ҳозирги кунда 35-40% ни ташкил қилмоқда. Четдан импорт эвазига келтирилган мева маҳсулотларининг товарлилик даражаси бизнинг меваларникидан устунлиги билан ажралиб туради, аммо бизда етиштирилган мевалар ўзининг таъми, экологик жиҳатдан тозаллиги ва ГМБларсиз таркиби билан ажралиб туради. Бироқ бу муаммони бартараф этиш йўллари фикримизча, бизнинг мамлакатда интенсив

боғдорчиликни янада ривожлантириш, интенсив боғдорчиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжалиklarининг моддий-техник базасини кучайтириш, янги технологияларни жорий этиш, давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш орқали амалга ошириш мумкин. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар талай албатта, лекин интенсив боғларнинг улушининг ҳали ҳануз камлиги муаммоси мавжуд.

Шу боисдан бизнинг фикримизча интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришнинг долзарблиги ва муҳимлиги билан ажралиб туради. Ушбу мақоланинг мақсади интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари бўйича қатор методик ва амалий тавсияларни, интенсив боғдорчиликни ривожлантиришга оид ташкилий-иқтисодий механизмларни таҳлилэтишдан иборатдир.

Олдимизга қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги комплекс вазифаларни бажариш талаб этилади:

- интенсив боғдорчиликнинг ҳозирги ҳолатини назарий тадқиқ этиш;
- мевалар етиштириш ва интенсив боғдорчиликни ҳозирги ҳолатини баҳолаш;
- интенсив боғдорчиликни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- мева ва резаворларни етиштиришнинг самарадорлигини ошириш йўларини аниқлаш;
- кўп йиллик боғларнинг навларга кўра оптималлаштиришнинг методик тавсияларини ишлаб чиқиш;
- интенсив боғдорчиликни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини ишлаб чиқиш;
- мева-консервалар ишлаб чиқариш қуйи мажмуасидаги агросаноат интеграциянинг ташкилий шаклларини асослаш ва ҳ.к.

Интенсив боғдорчиликни ривожлантиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуини ҳар томонлама таҳлил қилиш зарурдир. Қолаверса, интенсив боғдорчиликни ривожлантиришда назарий ва методик тадқиқотларни олиб бориш, мамлакатимиз ва хориж тажрибаларидан кенг фойланиш, мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш, интенсив боғдорчиликни ривожлантириш билан шуғулланувчи илмий – тадқиқот институтлари, марказлар ва фермерлар кенгаши билан зич ҳамкорликда ишларни олиб бориш мамлакатимизда сифатли ва товарлилик даажаси юқори меваларни етиштириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, интенсив боғдорчиликни секин ривожланаётганлигининг сабабларидан, бу маҳсулотларни етиштиришда ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишдаги мавсумийлик, эксплуатация муддатининг давомийлиги, тез бузулувчанлик, йиғиштириш, ташиш ва қадоқлашдаги йўқотишлар, ностандарт мева ва резаворлар навларининг мавжудлиги кабилардир.

Мамлакатимизда йиллар давомида аграр соҳадаги салбий ўзгаришларбоғдорчиликда бизнинг фикримизча қуйидаги салбий тенденцияларни вужудга келтирди:

- миллий навли мева майдонларининг қисқариши ёки қаровсиз ҳолга келиши, айниқса бу тенденция қишлоқ хўжалик корхоналарида сезилади;
- мева ва резаворларни етиштириш асосан деҳқон хўжалиklarида мужассамлашуви;
- етиштирилаётган маҳсулотларининг товарлилик даражасининг пастлиги;
- янги боғларни ташкил этишдаги сусткашлик ва кўп йиллик боғларнинг эскириши;
- боғдорчиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қисқариши;
- мева ва резаворларни етиштирувчи хўжалиklarда сақлаш ва қайта ишлаш моддий-техника базасининг эскириши ва ёмонлашуви.

Биргина 1995 йилдан 2008 йилгача бўлган муддатда барча турдаги хўжаликларда боғларнинг майдонлари 58 минг га ёки 54,2%га, 27,2 минг.га ёки 58,5%га қисқарган. 2006 йилгача мева ва резаворларнинг асосий етиштирувчи корхонлар бўлиб ширкат хўжаликлар ҳисобланган ва улурнинг улуши 55%дан ошиқ бўлган. Бироқ, ширкатларни тугатиш ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналарига айлантириш оқибатида талайгина боғларнинг қаровсиз қолиши, яроқсиз ҳолга келиши ва қисқаришига олиб келди.